

«Эй Усома! «Лаа илааха иллаллоҳ»дан кейин сенга ким шафоат беради?!» дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, уни ўлимдан қутулиш учунгина айтди», дедим.

«Эй Усома! «Лаа илааха иллаллоҳ»дан кейин сенга ким шафоат беради?!» дедилар.

У кишини ҳақ ила юборган Зотга қасамки, менга ўша гапларни қайта-қайта такрорлайверганларидан Исломимдан ўтган нарса менинг фойдамга бўлмаса ҳам майлиди, бугун Исломга кирган бўлсам-у, уни қатл қилмаган бўлсам эди, деб орзу қилдим ва:

«Аллоҳга аҳд бериб айтаманки, энди ҳеч ҳам «Лаа илааха иллаллоҳ»ни айтган одамни қатл қилмайман!» дедим.

«Мендан кейин ҳам-а?» дедилар у зот.

«Сиздан кейин ҳам», дедим».

Ибн Асокир ривоят қилган.

Бу ҳодисада мазкур одамнинг шаҳодат калимасини чин дилдан айтяптими ёки йўқми эканини яхшилаб текшириб кўрмай, гумон билан қарор чиқариб, қатл этилиши қораланган.

Бу маънода келган бошқа ҳадисларни ҳам ўрганайлик.

هُلِّلَا كَلَّصِيَّبْنَلَا كَلَّإِرَازَفِي نَبِي نَمُ لُجَرَءِجَ: لَأَقُ، هُنَّ عُهُلَلَا يَضَرَّةَرِي رُهُ يَبَّأَنْعَ لَأَقُ «؟ لِبْإِنْ مَكَلَّه» لَأَقُ، دَوَسَّأَمُ الْغُتَدَلَّوِي تَأْرَمُإِنْ: لَأَقُ، مَلَّسَوَّهِي لَعَ، أَقْرُولَ أَيْفُ نَ: لَأَقُ «؟ قَرَوُأَنْ مَ أَيْفُ لَه» لَأَقُ، رُمُحَ: لَأَقُ «؟ أُهُنَّأَوْلَا أَمَف» لَأَقُ، مَعَنَ نَوُكَيْ نَأَ سَعَ أَدَهَو» لَأَقُ، قُرْعُهُ غَزَنَ نَوُكَيْ نَأَ سَعَ: لَأَقُ «؟ كَلَّذَاهَاتَا يِّنَ أَف» لَأَقُ، سَمَّخُلَا هَاوَر. «قُرْعُهُ غَزَنَ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бану Фазоралик бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Хотиним қора бола туғди?!» деди.

«Сенинг туяларинг борми?» дедилар у зот.

«Ҳа», деди.

«Уларнинг ранги қандай?» дедилар.

«Қизил», деди.

«Ичида оқишлари борми?» дедилар.

«Албатта, уларнинг ичида оқишлари бор», деди.

«Ўша нарса уларга қаердан келган?» дедилар.

«Балки, ирқи тортгандир», деди.

«Буни ҳам балки, ирқи тортгандир», дедилар.

Бешовлари ривоят қилишган.

Эр хотинни зинода гумон қилди. Чунки у қора бола туғди. Отаси ҳам, онаси ҳам оқ бўла туриб, қора рангда туғилган бола ҳақида нима дейиш мумкин?

Бу одам хотини ҳақида қора одам билан зинода бўлиб, ундан бола орттирган бўлиши мумкин, деган гумонга борди. Лекин гумонини очиқ айтмади. Хотинга туҳмат қилмади, ёмон қарамади, айблашни бошлаб ҳам юбормади. Бориб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўради. Сўраганда ҳам, хабар бериш маъносида сўради. Жуда эҳтиёткорлик билан иш тутди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг нима демоқчи эканлигини дарҳол тушундилар ва у одам учун энг тушунарли нарсани мисол қилиб олиб, унга қарши савол бердилар. Сахро араблари туяни жуда яхши биладилар. Жумладан, туянинг болалаши, кўпайиши ва унга оид барча икир-чикирларни ҳам яхши биладилар.

Албатта, ҳамма туя ҳам бир хил рангда бўлавермайди. Битта ота, битта она туядан туғилган бўталоқларнинг ранги ҳам турлича бўлиши мумкин. Бу ҳақиқатни туя боққан ҳар бир киши яхши билади. Ана ўша бошқа рангли бўталоқнинг туғилиши ирқ тортишидан, ўтган ота-бобо ёки момоларидан бирортасининг ирқидан бўлишини ҳам яхши биладилар. Ирқ тортиши бир неча авлоддан кейин бўлиши ҳам маълум нарса. Барча жонзотларда бўладиган бу нарса инсонда ҳам бўлиши турган гап. Бу ҳақиқатни тажриба ва илм тасдиқлагандир.

Шунинг учун боланинг ранги унинг онасини зинода айблашга далил бўла олмайди. Умуман, аёл кишини зинода айблашда эҳтиёт бўлиш керак ва бу борада яхши гумонда бўлган маъқул.

Бу ерда табайюн – маълумотни аниқлаш жуда усталик билан йўлга қўйилган. Агар бундай қилинмаса, аёл зинода айбланиши ҳеч гап эмас эди.

«Рухий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.